



«САДИЛАЙМАН»

«Узбекистон Республикаси» агентлиги директори

Т.Э. Ўлжаев

2019 йил «10» 05

Аэродромларни сертификациалаш ва аэродромлар атрофида объектларни жойлаштириш учун рухсатномалар бериш тўғрисидаги Бўлим НИЗОМИ

Асос:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳаво кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари парвозининг хавфсизлигини таъминлаш давлат дастури”ни тасдиқлаш тўғрисида 2014 йил 17 декабрдаги 346-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 19 апрелдаги 337-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро авиациясининг сертификатлаш ва парвозлар хавфлигини назорат қилиш бошқармасининг Низоми.
5. Фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг стандартлари ва тавсиялари.

1-боб. Умумий қондалар

1. Аэродромларни сертификатлаш ва аэродромлар атрофида объектларни жойлаштириш учун рухсатномалар бериш бўлими (кейинчалик – Бўлим) Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (кейинчалик – “Ўзавиация” агентлиги) сертификатлаш ва парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш бошқармаси (кейинчалик - Бошқарма) таркибига киради.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) ҳужжатларига, “Ўзавиация” агентлиги ва Бошқарма Низомларига, “Ўзавиация” агентлиги директори буйруқлари ва кўрсатмаларига ва мазкур Низомга асосан амал қилади.

3. Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекторлари мақомига эга.

4. Бўлимнинг ташкилий тузилмаси иловада келтирилган.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлашни ташкил қилиш ва таъминлаш;

2) парвозларнинг аэродром ва орнитологик таъминотини ташкиллаштириш ва назоратга олиш;

- 3) парвозлар хавфсизлигига тахдид солувчи фаолиятларни назорат қилиш;
- 4) тўсиқларни назорат қилиш ва аэродромлар атрофида объектларни жойлаштириш учун рухсатномолар беришни ташкиллаштириш;

6. Бўлим ўзига юкланган вазифалари бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) халқоро граждaн авиацияси тўғрисидаги Конвенцияниг Низомига(1944 йилги Чикаго Конвенцияси ва унинг иловаларига) асосланган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг проектини тайёрлайди;

2) белгиланган тартибда фуқаро ва экспериментал авиацияси ҳамда биргаликда қўлланадиган аэродромларни сертификациялаш ва керакли сертификатларни беришни ташкиллаштиради;

3) белгиланган тартибда сертификациядан ўтган аэродромларни инспекцион текширишдан ўтказишни ташкиллаштиради;

4) белгиланган тартибда аэродромлар атрофида объектларни жайлаштириш учун рухсатномалар беришни назорат қилади;

5) қуйидагиларга риоя қилишни ташкиллаштиради ва назоратга олади:

фуқаро ва экспериментал авиацияси ҳамда биргаликда қўлланиладиган аэродромларни ва аэродром жихозларини парвоз хавфсизлигини таъминлаган ҳолда эксплуатация қилиш қоидаларини;

парвоз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида авиация ходимларини тайёрлаш қоидаларини;

фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини эксплуатацияга яроқлик нормаларини;

аэродром эксплуатантлари томонидан ҳаво кемаларини кушлар ва ёввойи ҳайвонлар билан тўқнашувини олдини олиш бўйича тадбирларини назоратга олиш;

парвозлар хавфсизлигига тахдид солувчи фаолиятни фаоллаштириш қоидаларини назорат қилиш;

парвозлар хавфсизлигига тахдид солувчи объектларни маркировка қилиш қоидаларини;

фуқаро авиацияси ташкилотларида парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизимини амалда қўлланишини назорат қилиш;

6) фуқаро авиацияси объектларига берилган хорижий сертификатларни тан олиш бўйича хулосалар тайёрлаш;

7) парвозлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари, норматив-ҳуқуқий базаларни ва инспектор ходимларни тайёрлашини такомиллаштириш бўйича ўтказиладиган халқоро конференция ва семинарларда иштирок этиш;

8) аэродромларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлган авиация ходимларини тайёрлаш ўқув режаларини ва программаларини экспертизадан ўтказиш;

9) аэродромларда парвозлар хавфсизлиги кўрсаткичларини назорат қилиш;

10) аэродромларда “Хавфсизлик куни”ни ташкил қилиш ва тизим асосида ўтказишни назорат қилиш;

11) бўлим ваколоти доирасида жисмоний ва юридик шахслар мурожатларини кўриб чиқишни назорат қилиш;

12) қонунда кўрсатилган тартибда жисмоний ва юридик шахсларга консултация ва ахборатлар бериш;

13) бўлим инспекторларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

3-боб. Ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) бўлимга юклатилган вазифалар ва функцияларининг бажарилиши билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда тайёрлайди;

2) сертификациядан ўтган аэродромларни инспекцион назоратини амалга ошириш ва бунга ўрнатилган тартибда «Ўзавиация» агентлиги ва бошқа авиация корхона ва ташкилотларининг керакли ходимларини жалб этиш;

3) бўлимга юклатилган вазифаларни бажариш учун керакли ахборот ва ҳужжатларни ўрнатилган тартибда тегишли авиация корхона, ташкилотларидан, жисмоний ва юридик шахслардан сўраб олиш;

4) бўлимнинг инспекторлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

авиация хавфсизлигини таъминлаш талабларига риоя қилган ва «Ўзавиация» агентлиги инспектори шахсий гувоҳномасини кўрсатган ҳолда ҳаво кемаларига, объектларга тўсиқсиз кириш ва текшириш учун керакли ҳужжатларни талаб қилиш;

текширишлар мобайнида аниқланган камчиликларни баргараф этиш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларга бажарилиши мажбур бўлган кўрсатмаларни ёзма равишда тақдим қилиш;

парвозлар хавсизлигига таҳдид қиладиган омиллар бўлса, аэродромлар ёки учиш майдони участкаларидан, аэродром ускуналаридан фойдаланишга чекловлар жорий этиш;

ҳаво транспорти органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўхрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазоларни қўллашга:

жисмоний ва юридик шахсларга ахборот бериб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тушунтиришлар бериш;

бўлим ваколати доирасига кирувчи бошқа ваколатларни амалга ошириш.

4. Бўлим фаолиятини ташкил қилиш

8. Бўлим бошлиғи Бошқарма бошлиғи тавсияси асосида «Ўзавиация» агентлиги директорининг буйруғи билан ўз вазифасига тайинланади ва озод қилинади.

9. Бўлим бошлиғи бўлмаганида бошқарма бошлиғининг кўрсатмасига асосан унинг вазифаларини бўлимнинг тайинланган бош мутахассиси-инспектори бажаради.

10. Раҳбарият топшириқларини бажаришда бўлим ходимлари ўз лавозим йўриқномларига асосан маъсулдирлар.

11. Бўлим фаолияти бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланган режа асосида амалга оширилади.

12. Бўлимнинг иш тартиби «Ўзавиация» агентлиги ишчиларининг ички меҳнат тартиб қоидалари» асосида ўрнатилади.

13. Бўлимнинг иш унумдорлигини ва ходимларни ўзаро алмашланишни таъминлаш мақсадида бўлим бошлиғи ҳар бир ходимнинг ихтисосини ишобатга олган ҳолда ишни тақсимлайди.

5-боб. Бўлим бошлиғининг мажбуриятлари, жавобгарлиги ва ҳуқуқлари

14. Бўлим бошлиғи:

1) авиация соҳасида олий маълумотга, фуқаро авиациясида камида 5 йиллик иш стажига эга бўлиши ва шу жумладан 3 йиллик раҳбарлик лавозимларида ишлаган

бўлиши лозим;

2) Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси, авиация қоидалари, аэродром сертификатсияси бўйича норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, ИКАО стандартлари ва тавсияларини этиш билиши лозим;

15. Бўлим бошлиғи мажбуриятлари:

1) бўлим ваколатига киритилган масалалар бўйича “Ўзавиация” агентлиги раҳбарияти ва бошқа таркибий тузилмалар билан алоқаларда бўлим вакили бўлади;

2) бўлим фаолиятини бошқаради;

3) бошқарма бошлиғининг кўрсатмасига асосан Ўзбекистон Республикаси аэродромларини сертификациалаш ва инспекцион текширишларни бошқаради;

4) белгиланган тартибда “Ўзавиация” агентлиги раҳбарияти ўтказадиган мажлисларда қатнашиб ўз ваколати доирасида таклифлар киритади;

5) фуқаро авиацияси ташкилотларида парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизимини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва бажарилишини назорат қилиш;

6) бошқарма бошлиғининг кўрсатмасига асосан ўз ваколати доирасида Транспорт вазирлиги, Халқаро авиация ташкилоти, бошқа давлатларнинг авиация маъмуриятлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа вазирликлар, идора ва ташкилотлари билан узвий алоқа ўрнатиш;

7) ўз ваколат доирасида хизмат ҳужжатларини имзолаш.

15. Бўлим бошлиғи яккабошчилик асосида бўлим фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва қуйидагиларга шахсан жавобгардир:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг талабларига ва бошқа меъёрий ва ҳуқуқий далолатномаларга риоя қилиш;

2) бўлим зиммасига юкланган визифалар ва ваколатларнинг бажарилишини бевосита бошқариш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Транспорт вазирлиги ва “Ўзавиация” агентлиги раҳбариятининг бажарув тартибини янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги далолатномалар ва топшириқларга бўлим ходимлари томонидан сўзсиз ижро қилишни таъминлаш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПП-2881-сон фармони бўйича ходимларнинг пахсий жавобгарлигини ошириш чора тadbирларни кўриш;

4) бўлимнинг иш режаларини тузиш ва тасдиқлашга киритиш. Режанинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

5) бўлим фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва “Ўзавиация” агентлиги раҳбариятига тақдим қилиш;

6) бўлимга кадрларни танлаш, жой жойига қўйиш, уларнинг чуқур билимга эгаллигини ва юқори даражада ахлоқий фазилатга эгаллигини кафолатлаш. Бу ўринда бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

7) “Ўзавиация” агентлигига киритилган норматив-ҳуқуқий далолатномаларнинг лойиҳасини тўла ва ҳар тамонлама кўриб чиқиш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

8) хизмат сафарларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 март ПП-2142-сон ва 2017 йил 3 август ПП-3170-сон фармонлари асосида ташкил этиш, тўла ва ҳар тамонлама асосланганлигини, унумдорлигини, натижаллигини ва сафар харажатларидан рационал фойдаланишни таъминлаш;

9) бўлим ходимлар фаолиятининг самарадорлигини тизимли равишда таҳлил қилиш, уларнинг ҳисобатини тинглаш ва керакли чоралар кўриш;

10) “Ўзавиация” агентлиги ходимлари томонидан одоб ахлоқ ва муомила қоидаларига, ички меҳнат ва бажариш тартибларига, техника ва ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш;

11) Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонунга асосан коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чора тадбирларини кўриш;

12) Давлат хизматларининг самарадорлигини, сифатини ва ҳаммабоблигини ошириш бўйича Бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

13) Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружати тўғрисида”ги қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг муружатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан очиқ ва бевосита мулоқотни йўлга қўйиш, белгиланган муддатда ва тартибда шахсий қабулханаларни, жумладан, жойларга борган ҳолда жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг қабулини мунтазам ўтказиш;

14) “Ўзавиация” агентлиги раҳбарлари топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушган жисмоний ва юридик шахслар муружатининг ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқишини таъминлаш;

18) Давлат сири тоифасига киритилган ва махфий ахборотлар билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш;

16. Бўлим бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) “Ўзавиация” агентлиги директори топшириғига асосан давлат органларида ва бошқа ташкилотларда, шунинdek, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда “Ўзавиация” агентлиги номидан вакиллик қилишга;

2) бўлим ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

3) бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича давлат статистика органларидан зарур статистика маълумотларини бепул олиш;

4) “Ўзавиация” агентлиги директори топшириғига асосан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда белгиланган тартибда Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича иштирок этиш;

5) “Ўзавиация” агентлиги директори топшириғига асосан Бўлим ваколатига тааллуқли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини халқаро даражада белгиланган тартибда ифода этиш;

6) ҳаво кемалари парвозларини хавфсизлигини таъминлайдиган белгиланган қоидалари ва нормаларга ҳаво кемалари эксплуатантлари ва авиация ташкилотлари томонидан риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда текшириш;

8) авиация хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига риоя қилиб, “Ўзавиация” агентлиги инспектори хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда ҳаво кемаларига, фуқаро авиацияси ташкилотларининг бинолари ва иншоатларига тўсиқсиз кириш, ҳамда хизмат ҳужжатларини текшириш;

9) зарур бўлган ҳолларда, юридик ва жисмоний шахсларга текширишлар ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни сўзсиз бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатмалар бериш;

11) агар парвозлар хавфсизлигига таҳдид қилинадиган бўлса, аэродромлар ёки учиш майдони участкаларидан, аэродром ускуналаридан фойдаланишга чекловлар жорий этиш;

12) ҳаво транспорти органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазоларни қўллашга;

13) парвозлар хавфсизлигига таҳдид соладиган камчиликлар аниқланганда, “Ўзавиация” агентлиги томонидан берилган амалдаги сертификатлар (гувоҳномалар), фуқаро авиацияси мутахассисларининг гувоҳномаларининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш тўғрисида “Ўзавиация” агентлиги раҳбариятига таклифлар беришга (уларнинг бевосита раҳбарларига маълумот берган ҳолда);

14) бўлим ваколатларига киритилган масалалар бўйича бўлим ходимларига, уларнинг мансаб мажбуриятлари доирасида бажарилиши шарт бўлган кўрсатма ва топшириқлар беришга ва улардан кўрсатма ва топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот талаб қилиш;

16) бошқарма бошлиғига белгиланган тартибда Бўлим ходимларини тасдиқлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисида, ходимларни хизмат вазифаларини муваффақиятли ва виждонли бажарганлари, шунингдек лавозимларида ноўрин иш қилганлари учун ходимларга нисбатан интизомий жазо қўллаш тўғрисида тавсиялар киритишга;

17) бўлим бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**Аэродромларни сертификатлаш ва
аэродромлар атрофида объектларни
жойлаштириш учун рухсатномалар
бериш Бўлими бошлиғи**


Э.М. Палванов.

Аэродромларни сертификациялаш ва аэродромлар атрофида объектларни жойлаштириш учун рухсатномалар бериш бўлими тўғрисидаги Низомга илова

Аэродромларни сертификациялаш ва аэродромлар атрофида объектларни жойлаштириш учун рухсатномалар бериш бўлимининг

ТУЗИЛМАСИ



КЕЛИШИЛГАН:

Ўринбосар



О.Н. Лим

СПХНБ бошлиғи

Т.О. Назаров

МИБ бошлиғи



Н.У. Индина

Бош юрисконсулт




И.Р. Байбурина

Касаба кўмитаси раиси



Р.Д. Гулямов

Танишиб чиқилди:



Мадалимов М. М.